

## VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Мустақиллик йилларида транспорт ва коммуникация тизимини стратегик ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда яратилган самарали транспорт тизими ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа мамлакатлар билан интеграциялашув омилидир.

**Юк ташиш.** 2020 йил январь-июнь ойларида автомобил транспорти томонидан 17,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 97,0 % ни ташкил қилди.

Юк айланмаси автомобил транспорти турлари томонидан 397,9 млн. т-км.ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 100,2 % ни ташкил қилди.

### Автомобил транспортида юк ташиш ва юк айланмаси

|                         | 2020 йил<br>январь-июнь | 2019 йилнинг<br>январь-июнига<br>нисбатан %<br>ҳисобида |
|-------------------------|-------------------------|---|
| Ташилган юк, млн. тн    | 17 940,3                | 97,0  |
| Юк айланмаси, млн. т-км | 397,9                   | 100,2   |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмасининг ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 95,7 % ни ташкил этди ва 212,7 млн. т-км. га етди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 53,5 % ни ташкил этди (2019 йилнинг январь-июнида 56,0 %).


Андижон вилоятининг туман, шаҳарлар бўйича ташилган юк бўйича етакчи ўринни Андижон шаҳри (8 010,7 минг тонна) эгаллайди. Шу билан бирга, энг юқори тоннани Асака (1 212,7 минг тонна) тумани, Андижон (1 135,3 минг тонна) туманларида кузатилди.

**Шаҳар ва туманлар кесимида юк ташиш, минг тонна**  
(2020 йилнинг январь–июнь ҳолатига)

|                       | <i>Жами<br/>ташилган юк<br/>минг тонна</i> | <i>2019 йил<br/>январь-июнига<br/>нисбатан %<br/>ҳисобида</i> | <i>жамига<br/>нисбатан улуши,<br/>% ҳисобида</i> |
|-----------------------|--|---|--|
| <b>Вилоят бўйича:</b> | <b>17 940,3</b>                            | <b>97,0</b>   | <b>100,0</b>                                     |
| <i>шаҳарлар:</i>      |  |   |  |
| Андижон               | 8 010,7                                    | 101,3   | 44,5   |
| Ҳонобод               | 674,9                                      | 95,6  | 3,8  |
| <i>туманлар:</i>      |  |   |  |
| Андижон               | 1 135,3                                    | 98,0  | 6,3  |
| Асака                 | 1 212,7                                    | 100,7   | 6,8  |
| Балиқчи               | 747,1                                      | 93,3  | 4,2  |
| Бўстон                | 292,6                                      | 90,8  | 1,6  |
| Булоқбоши             | 394,8                                      | 85,7  | 2,2  |
| Жалалқудук            | 635,1                                      | 97,3  | 3,5  |
| Избоскан              | 710,1                                      | 91,2  | 4,0  |
| Қўрғонтепа            | 811,1                                      | 95,2  | 4,5  |
| Марҳамат              | 498,9                                      | 96,2  | 2,8  |
| Олтинқўл              | 676,3                                      | 93,2  | 3,8  |
| Пахтаобод             | 702,3                                      | 88,6  | 3,9  |
| Улуғнор               | 299,1                                      | 86,4  | 1,7  |
| Хўжаобод              | 460,2                                      | 86,1  | 2,6  |
| Шаҳрихон              | 679,1                                      | 93,0  | 3,8  |

Кўрсатилган юк ташишда юқори бўлмаган кўрсаткичлар Бўстон (292,5 минг тонна) Улуғнор (299,1 минг тонна) туманларида (394,8 минг тонна) ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган юкнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши, % да**  
(2020 йил январь-июнь)



Ҳудудлар бўйича ташилган юкнинг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (44,5 %) шаҳар эгаллади. Шу билан бирга Асака (6,8 %) ва Андижон (6,3 %) туманларида кузатилди.


Вилоятнинг юк айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Андижон (167 326,7 минг тонна-км) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга энг юқори кўрсаткич Асака (30 737,6 минг тонна-км), Андижон (26 360,8 минг тонна-км) туманларида кузатилди.

**Шаҳар ва туманлар кесимида юк айланмаси, минг тонна-км**

|                       | <i>минг тонна-км</i> | <i>2019 йил январь-июнига нисбатан % ҳисобида</i> | <i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i> |
|-----------------------|----------------------|---|--|
| <b>Вилоят бўйича:</b> | <b>397 890,6</b>     | <b>100,2</b>                                      | <b>100,0</b>                             |
| <i>шаҳарлар:</i>      |                      |   |  |
| Андижон               | 167 326,7            | 101,8   | 42,1                                     |
| Ҳонобод               | 14 502,0             | 98,8  | 3,8                                      |
| <i>туманлар:</i>      |                      |   |  |
| Андижон               | 26 360,8             | 100,6   | 6,6                                      |
| Асака                 | 30 737,6             | 101,0   | 7,7                                      |
| Балиқчи               | 12 034,6             | 97,6  | 3,0                                      |
| Бўстон                | 7 707,8              | 97,0  | 1,9                                      |
| Булоқбоши             | 12 084,6             | 97,9  | 3,1                                      |
| Жалалқудук            | 14 919,8             | 98,3  | 3,7                                      |
| Избоскан              | 11 248,7             | 100,2   | 2,8                                      |
| Қўрғонтепа            | 14 104,1             | 98,3  | 3,5                                      |
| Марҳамат              | 14 522,0             | 98,7  | 3,6                                      |
| Олтинқўл              | 15 437,7             | 98,6  | 3,9                                      |
| Пахтаобод             | 18 500,9             | 98,4  | 4,6                                      |
| Улуғнор               | 8 861,5              | 97,2  | 2,2                                      |
| Ҳўжаобод              | 11 706,7             | 98,0  | 2,9                                      |
| Шаҳрихон              | 17 835,1             | 99,1  | 4,6                                      |

Кўрсатилган юк айланмасидаги юқори бўлмаган тонна-км қуйидаги шаҳар ва туманлар Бўстон (7 707,8 минг тонна-км), Улуғнор (8 861,5) минг тонна-км туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган юк айланмасининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да**  
(2020 йил январь-июнь)



Ҳудудлар бўйича ташилган юк айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (42,1 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Асака (7,7 %) ва Андижон (6,6 %) туманларида кузатилди.

Аҳолига, шу жумладан, иқтисодиётнинг барча соҳасида фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларга, ўқув мқассасаларида таълимолаётган ўқувчи ва талабаларга юқори сифатли транспорт хизматини кўрсатиш, автомобил траснпорти олдида турган энг муҳим масаладир. Бугунги кунда ҳеч бир фуқаро ҳаракатини (бир манзилдан бошқа бир манзилга боришни) транспортсиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Йўловчи ташиш.** 2020 йилнинг январь-июнь ойларида автомобил транспортининг барча турлари томонидан 317,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 90,2 % ни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмасининг ушбу даврда ўсиш суръати 90,8 % га етиб, 5 594,0 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

#### Автомобил транспорт йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

|   | 2020 йил<br>январь-июнь | 2019 йилнинг<br>январь-июнига<br>нисбатан фоиз<br>ҳисобида |
|---|-------------------------|--|
| <b>Транспортда ташилган йўловчилар,<br/>млн. киши</b> | <b>317,5</b>            | <b>90,2</b>  |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км                    | 5 594,0                 | 90,8   |

Жаъми автомобил транспортидаги йўловчи айланмаси 2019 йил январь-июнига нисбатан 90,8 % га етди ва 317,5 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Вилоятнинг туман, шаҳарлар бўйича ташилган йўловчи бўйича етакчи ўринни Андижон (128 605,2 минг киши) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткичлар Асака (31 860,4 минг киши), Андижон (19 172,8 минг киши) туманларида кузатилди.

**Худудлар кесимида йўловчи ташиш, минг киши**  
(2020 йил январь–июнь ҳолатига)

|                       | <i>минг киши</i> | <i>2019 йил январь-июнига нисбатан % ҳисобида</i> | <i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i> |
|-----------------------|------------------|---|--|
| <b>Вилоят бўйича:</b> | <b>317 505,3</b> | <b>90,2</b>                                       | <b>100,0</b>                             |
| <i>шаҳарлар:</i>      |                  |   |  |
| Андижон               | 128 605,2        | 94,5  | 40,5                                     |
| Хонобод               | 8 382,5          | 88,8  | 2,6                                      |
| <i>туманлар:</i>      |                  |   |  |
| Андижон               | 19 172,8         | 86,5  | 6,3                                      |
| Асака                 | 31 860,4         | 87,0  | 10,0                                     |
| Балиқчи               | 11 177,2         | 86,3  | 3,5                                      |
| Бўстон                | 5 862,6          | 86,1  | 1,8                                      |
| Булокбоши             | 9 147,9          | 89,3  | 2,9                                      |
| Жалалкудук            | 12 547,1         | 88,0  | 4,0                                      |
| Избоскан              | 13 165,2         | 88,4  | 4,1                                      |
| Қўрғонтепа            | 15 715,3         | 89,0  | 4,9                                      |
| Марҳамат              | 10 625,2         | 89,2  | 3,3                                      |
| Олтинкўл              | 10 842,7         | 87,4  | 3,4                                      |
| Пахтаобод             | 12 080,6         | 86,3  | 3,8                                      |
| Улуғнор               | 5 255,3          | 84,2  | 1,7                                      |
| Хўжаобод              | 11 905,2         | 89,1  | 3,7                                      |
| Шаҳрихон              | 11 160,1         | 87,6  | 3,5                                      |

Кўрсатилган йўловчи ташишда нисбатан унча юқори бўлмаган кўрсаткичлар, Хонобод шаҳрида (8 382,5 минг киши) ва Улуғнор (5 255,3 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган йўловчининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да  
(2020 йил январь-июнь)**



Шаҳар ва туманлар кесимида ташилган йўловчининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (40,5 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Асака (10,0 %), Андижон (6,3 %) туманларида кузатилди.

Вилоятнинг йўловчи айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Андижон (2 312,4 млн. йўловчи-км) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга энг юқори кўрсаткич билан Асака (570,6 млн. йўловчи-км), Андижон (323,2 млн. йўловчи-км) туманларида кузатилди.




**Шаҳар ва туманлар кесимида йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км**

|                       | <i>млн.<br/>йўловчи-км</i> | <i>2019 йил январь-<br/>июнига нисбатан<br/>% ҳисобида</i> | <i>жамига<br/>нисбатан улуши,<br/>% ҳисобида</i> |
|-----------------------|----------------------------|--|--|
| <b>Вилоят бўйича:</b> | <b>5 594,0</b>             | <b>90,8</b>  | <b>100,0</b>                                     |
| <i>шаҳарлар:</i>      |                            |  |  |
| Андижон               | 2 312,4                    | 95,7   | 41,2   |
| Хонобод               | 149,0                      | 88,7   | 2,7  |
| <i>туманлар:</i>      |                            |  |  |
| Андижон               | 323,2                      | 86,4   | 5,8  |
| Асака                 | 570,6                      | 86,8   | 9,9  |
| Балиқчи               | 202,6                      | 87,0   | 3,6  |
| Бўстон                | 89,0                       | 86,2   | 1,6  |
| Булоқбоши             | 114,5                      | 89,5   | 2,0  |
| Жалалқудук            | 230,2                      | 88,6   | 4,1  |
| Избоскан              | 229,9                      | 88,7   | 4,2  |
| Қўрғонтепа            | 288,2                      | 89,2   | 5,2  |
| Марҳамат              | 178,1                      | 89,6   | 3,3  |
| Олтинкўл              | 175,6                      | 87,7   | 3,1  |
| Пахтаобод             | 225,8                      | 86,7   | 4,0  |
| Улуғнор               | 145,6                      | 85,0   | 2,6  |
| Хўжаобод              | 180,1                      | 89,4   | 3,2  |
| Шаҳрихон              | 179,0                      | 88,0   | 3,5  |

Кўрсатилган йўловчи айланмасидаги унча юқори бўлмаган йўловчи-км Булоқбоши (114,5 млн. йўловчи-км) ва Бўстон (89,0 млн. йўловчи-км) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида  
ҳудудларнинг улуши, % да  
(2020 йил январь-июнь)**



Шаҳар ва туманлар бўйича йўловчи айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (41,2 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Асака (9,9 %), Андижон (5,8 %) туманларида кузатилди.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш, юк айланмаси,  
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси  
(2020 йил январь-июнь ойларида)**

